

42 (1193)-сон 22 октябрь 2014 йил
Газета 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган



МЕҲНАТ ҚИЛГАН ЭЛДА АЗИЗ

эканлигини исботлаб яшаётган наманганлик Тўланисо опа Райимжонова сийратига айрим чизгилар

Фарход СОБИРОВ,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган спорт устози:

ШАХМАТ — ҲАЁТ ФОРМУЛАСИ



ОЛИСДАГИ ЯҚИНЛИК



МЕҲР ФАРИШТАСИ

ЯГОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИМ, СЕВГИ ВА САДОҚАТИМ СЕНГА БАХШИДА, ГЎЗАЛ ЎЗБЕКИСТОНИМ!



Шавкат СУЛТОНОВ
сурат-лавҳаси.

Муҳаммад ЮСУФ,
Ўзбекистон халқ шоири

Сен бўлмасанг, нима бизга

силлиқ шеърлар,
Бу дунёда тили йўқда дил йўқ дерлар,
Баҳонинг-ку бериб кетган Алишерлар,
Юрагимнинг тўридаги сўлмас гулим,
Она тилим, кечир мени, она тилим.

Бир қарасам, ҳар шевангда
минг жилолар,
Ҳар новдангда, ҳар мевангда
минг жилолар.
Қодирийлар, Чўлпонлар-у, Абдуллолар,
Сенинг қайтган кунинг мен
туғилган йилим,
Она тилим, эй муқаддас Она тилим!
(«Она тилим» шеърдан)

— Истиклол йилларида она тилимиз — ўзбек тилининг ўрни, нуфузи, қадр-қиммати қайтадан тикланди. Бу муқаддас бойликни кўз қорачигидек асраб-авайлашдек шарафли вазифани адо этиш ҳар биримизнинг инсоний бурчимизга айланиши лозим, — дейди Қарши давлат педагогика университети профессори, педагогика фанлари номзоди, ўнлаб она тили ва адабиёти фанига оид қўлланмалар муаллифи Талъатой опа ҒАФҒОРОВА фахрга тўлиб.

ҲИКМАТ

Икки нарса ажра-тади ҳайвондин,
Инсонлиги били-нади ҳунар ила забондин.

Ибн Сино

БАЙРАМ ДАВОМ ЭТМОҚДА *Тилга эътибор — элга эътибор*

Ҳар йили 21 октябрни юртимизда ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган кун сифатида кенг нишонлаш анъанага айланган. Бу улуг айём биз ёшларнинг қалбимизда она тилимизга нисбатан туйгуларини ўстириб бормоқда.

Бугун замон тезкор. Замоनावий ахборот воситалари орқали биланмики, ўзбек тили халқаро миқёсда ҳам фаол мулоқот воситасига айланиб бормоқда. Хориждан юртимизга келиб таҳсил олаётган талабалар, тадқиқотчилар орасида она тилимизни ўрганишга қизиқувчилар сони кўпайиб бораётгани қалбимизда гуру уйғотмоқда.

Боболаримиз бизга мерос қилиб қолдирган маънавий бойликларни, халқимизнинг бебаҳо маданиятини пухта ўрганишимиз, келажақда етук ва салоҳиятли шахслар бўлиб улгайишимиз учун, энг аввало, она тилимизни мукамал ўзлаштиришимиз керак.

— Маҳалла фуқаролар йиғини раислигига номзодим қўйилганда, бундай масъулиятли вазифани қандай уйдалайман, деган хаёлга боргандим, — дейди Зулфия опа. — Асли касбим педагог. Маҳаллада иш бошлаганимда, биринчи навбатда, ёшлар тарбияси, уларнинг мактаб ва коллеждаги ўқишини назоратга олдик. Яратганга шукр, мана ўн йилдирки, худудимизда жиноятчилик ёки салбий ҳолатлар аниқлангани йўқ. Чунки бу ерда бешта сектор бўйича ишлар намунали йўлга қўйилган. Ўқимиш-ли, саводли ва ибратли оилалар кўп бўлгани учун ҳам кўпчилик бизни: “Зиёлилар маҳалласи”нинг вакиллари”, деб аташади. Айни пайтда ёшларимизнинг 6 нафари хориж, 11 нафари юртимиздаги нуфузли олий ўқув юртларида таҳсил олишмоқда.

Маҳалламиз аҳолиси анча зич жойлашган. 370 та хонадонда 9 миллат вакилларидан иборат 1700 та аҳоли истиқомат қилади. Нуроний отахон ва онахонларимиз, ибратли оилаларимиз вакиллари кўпчиликка ўрнак бўлишмоқда. Деярли ҳар куни ҳар битта хонадонга киримиз. Байрамлар арафасида ёши улуг отахон ва онахонларни йўқлаймиз. Шулардан бири Афида опа Чахалова бу йил 107 ёшни қарши олган бўлса-да, ҳали руҳан тетик. Шундай онахон ва отахонларимиздан йўл-йўриқ сўраб турамиз.

Маҳалламиз кизлари “Ораста кизлар” тўғараги машғулотларига ҳам фаол қатнашишади. Зукко ва оқила кизларимиз яқинда сахна кўринишлари орқали жамиятимизда учраб турувчи салбий ҳолатлар — эрта никоҳ, во-

Айни шу кунларда мамлакатимизнинг барча худудларида ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганлигининг 25 йиллиги кенг нишонланмоқда. Бундай тадбирларда ўқувчилар, ёшлар ва талабалар тилимизнинг жуда бой ва бетакрор эканини янада чуқурроқ англаб етмоқдалар.

Куни кеча пойтахтимиздаги Юнус-обод туманига қарашли 235-сонли умумий ўрта таълим мактабида ҳам “Она тилим — жону дилим” шиори остида “Тил байрами” бўлиб ўтди. Ёш ижодкорлар ва ўқувчилар иштирокида уюштирилган мазкур тадбирда сўзга чиққан ижодкорлардан Шавкат Одижон, Мухтасар Тожимаматова ва бошқалар она тилимизга берилаётган улкан эътибор тўғайли, мамлакатимизда ҳар йили кўплаб адабиётлар, лугатлар чоп этилиб, ўқувчиларга тақдим қилинаётганини, тилимизнинг мавқеини янада мустаҳкамлаш, уни халқаро алоқа воситасига айлан-

тиришда ёшларнинг алоҳида ўрни борлигини таъкидлаб ўтишди.

Тадбирда ўқувчилар улуг мутафаккир Алишер Навоий асарларидан тайёрлаган сахна кўринишларини намойиш этишди, мафтункор ғазалларидан ўқиб беришди.

— Ўқув масканимизда ёш авлодга таълим-тарбия бериш даражаси йил сайин ошиб бормоқда, — дейди мазкур мактабнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Мамлакат Отақолова. — Айниқса, она тилимизнинг кадр-қимматини ўқувчилар тафаккурида янада мустаҳкамлашда истиқлол даврида чоп этилган китоб ва қўлланмалар алоҳида аҳамиятга эга бўлмоқда. Дарсларни ноанъанавий усулларда ўтказишга ҳаракат қилаёلمиз.

Тил байрами тадбирлари юртимизнинг барча гушаларида давом этаётир.

Мархабо МАҲКАМОВА,
ЎЗМУ талабаси.

Обод манзиллар

яга етмаганлар ўртасидаги жиноятчилик, одам савдоси ва диний экстремизмнинг аянчли оқибатларини кўрсатиб беришди.

Маҳалламиз побони Аббор ака Ҳусанов ҳақида алоҳида тўхталмоқ жоиз. Боси, у ҳар бир оилани яқиндан билади. Қайси бир хонадонда боқувчисини йўқотган ёки ёлғиз кексалар бўлса, уларга беминнат ёрдам беради. Ҳамма билан тил топишиб кетверади.

Маҳалланинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Раъно опа Маҳмудованинг айтишича, бу гушада туғиш ёшидаги аёллар сони 540 нафар бўлиб, барчаси оилавий поликлиника назоратида турар экан. Хафтанинг бир кунинда аёллар ва ҳомилдорлар тиббий кўриқдан ўтказилиб, аниқланган касалликлар бўйича тегишли даво чоралари қўллангани мунтазам йўлга қўйилибди.

Чиноз туманида “Энг намунали маҳалла”, деб эътироф этилган бу худудда хонадонлар фаровонлигини юксалтириш, оилаларда соғлом маънавий муҳитни шакллантириш, аҳоли турмуш даражасини янада яхшилаш борасида ҳавас қилса аризи гулик ишлар олиб борилмоқда.

Нигора ЎРОЛОВА,
“Оила ва жамият” мухбири.
Тошкент вилояти.

ФАРОВОНЛИК ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида”ги Қонуни ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокимлигида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Унда Сирғали туманининг ишлаб чиқариш салоҳияти, ижтимоий-иқтисодий ҳолати, инвестиция имкониятлари, туманда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, бандлиги ва турмуш фаровонлигини ошириш, тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш юзасидан амалга оширилаётган ишлар тўғрисида сўз юритилди.

Тадбирда сўзга чиққан туман ҳокими Фуқат Максудхўжаев ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида халқимиз турмуш даражасини юксалтириш, ёшларни юксак салоҳиятли

баркамол авлод қилиб вояга етказиш юзасидан олиб борилаётган изчил ислохотлар юксак самаралар бераётганини таъкидлади.

Сирғали туманида мебель, иккиламчи қора ва рангли металл, резина ва пластмасса буюмлар, ёғочни қайта ишлаш, чарм ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш кенг йўлга қўйилган бўлиб, ишлаб чиқариш корхоналари аҳоли эҳтиёжини қондиришга муносиб ҳисса қўшмоқда. Кичик бизнесни ривожлантириш мақсадида янги ишлаб чиқариш объектлари ишга туширилиб, мавжудлари қайта таъмирланиши оқибатида 2014 йилнинг ўтган даврида 5578 янги иш ўрни яратилди.

Жорий йилда тумандаги касб-хунар коллежларини 2068 йигит-қиз битирган бўлса, шу кунгача уларнинг

аксарияти иш билан таъминланди. Ёшларнинг қолган қисмини ўзлари ёшларнинг соҳалар бўйича ишга жойлаштириш давом этмоқда.

2014-2015 йил қиш мавсумига тайёргарлик кўриш мақсадида умумтаълим мактаблари, боғчалар ва тиббиёт муассасалари учун жами 2,3 миллиард сўм бюджет маблағлари ажратилди.

Матбуот анжуманида туманда олиб борилаётган кенг қўламли ижтимоий-иқтисодий ислохотлар самаралари, янги қонун нормаларини ҳаётга изчил татбиқ этиш юзасидан қўрилаётган амалий чора-тадбирлар ҳақида батафсил маълумот берилди.

Нилуфар МУРОДОВА,
ЎЗМУ талабаси.

Ўзбекистон Хотин-қизлар
қўмитасида

НАМУНАЛИ ТИББИЙ ХИЗМАТ

Пойтахтимизнинг Олмазор туманидаги 242-умумтаълим мактабида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан «Магнум медикал сервис» масъулияти чекланган жамияти ҳомийлигида замоनावий тиббий воситалар билан жиҳозланган намунали тиббиёт хонаси ташкил этилди.

— Мамлакатимизда болалар ва ўсмирларга бирламчи тиббий-санитария ва профилактика ёрдами кўрсатиш кўламини кенгайтириш, ўқувчиларнинг жисмоний ривожланишини доимий мониторинг қилиш ҳамда мактабларда соғлом турмуш тарзи тарғиботини янада кучайтириш мақсадида олиб борилаётган бу каби тарғибот-ташвиқот ишлари келажақда ўзининг юксак самарасини бериши табиий, — дейди Олмазор тумани тиббиёт бирлашмасига қарашли 15-оилавий поликлиника бош шифокори Шаҳзода Турсиметова. — Худудимизда жойлашган 242-умумтаълим мактабида намунали тиббиёт хонасининг иш бошлаши ўқувчиларнинг тиббий маданиятини ошириш ва улар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга хизмат қилади. Бу ерда биринчи тиббий ёрдам учун керакли барча қулайликлар мавжуд. Бундан ташқари тарози, бўй ўлчагич, кушетка, парда, шкафлар, музлатгич ҳамда кварц чироклари каби зарурий асбоб-ускуналар билан таъминланди. Бундай қулайлик мактабдаги “Ораста кизлар” тўғараги фаолиятининг янада кенгайтиришга омил бўлади. Чунки мактабнинг фаол кизлари мустақил равишда “Эрта турмуш куришининг олдини олиш”, “Тиббий саводхонлик”, “Қариндошлар ўртасидаги никоҳ” каби мавзуларда маърузалар тайёрлашмоқда.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан “Маҳалла” хайрия жамоат фонди ва “Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда 2014-2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлигини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури ижроси юзасидан ишлаб чиқилган қўшма дастурларда соғлом авлодни вояга етказишга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирлар белгиланган. Республикаимизнинг 193 та туманидаги мактабларда ҳомийлар кўмагида намунали тиббиёт хоналари ташкил этиш лойиҳаси шулар жумласидандир.

— Мактабимизда икки ярим мингдан зиёд ўқувчи тахсил олади, — дейди шифокор Дилрабо Эрхонова. — Бу ерда бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш баробарида тиббий-профилактика ишлари ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Ҳар йили икки марта чуқурлаштирилган тиббий кўрик ўтказилади. Янги тиббиёт хонасида яратилган замоनावий шароитлар профилактика ва тиббий тарғибот ишларини янада ривожлантириш, ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни қамолга етказишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Элмира Боситхонова сўзга чиқди.

Барно МИРЗААҲМЕДОВА,
“Оила ва жамият” мухбири.

МЕХНАТ ҚИЛГАН ЭЛДА АЗИЗ

Орамиздаги одамлар

эканлигини исботлаб яшаётган наманганлик Тўпанисо опа Райимжоновна сийратига айрим чизгилар

...Тиниб-тинчимас опахон тутқатор орасидаги йўлдан юриб, далага етиб келганида тонг эндигина оқарган эди. У атрофга боқди, дала-сини тўлдириб турган саховатли куз неъматларига қараб, кўнгли таскин топди. Насиб қилса, бу йил ҳам ҳар йилгидек деҳқончилик баракали бўлди, деган ўй кўнглини ёритди.

"Қанча меҳнат қилсанг, шунга яраша даромад олаверасан. Яхши яшаш учун яхши ишласанг кифоя, ҳалол бўлсанг бўлгани. Юртнинг тинчлиги, мустақиллигининг шарофати-да, ҳаммаси. Кўз тегмасин", деди ўзига ўзи уфққа кўз тикаркан...

Тўпанисо опа Наманган туманилик тажрибали, ишнинг кўзини биладиган фермер, гаплариям, ҳаракатлариям самимий аёл. Унинг ҳар тонги хайрли амаллар билан бошланади. Оқшом чоғи ўтган кунини сарҳисоб қилишга, эртанги ишларни режалаштиришга одатланган.

— Режали одам ютқазмайди, — дейди у биз билан суҳбатда. — 2001 йилда "Тўпа-

нисо хожи она" фермер хўжалигини ташкил этганимиздан буён ҳар йили шартномавий режаларни уддалаб келмоқдамиз. Буларнинг ҳаммаси барча имкониятлар борлиги, режали иш ташкил этилгани, хўжалик аъзоларининг ҳам-жихатлиги, ҳар кимнинг ўз

"Ласетти"сида далага отландик. — Аёлнинг иродаси метин бўлади, деганлари рост экан, — дейди Тўпанисо опа йўлда кетиб борарканмиз. — Раҳматли умр йўлдошим вафот этганида, 28 ёшда эдим. Ўн бир йил бирга яшаб,



бирор марта "сен-мен"га бормадик. Афсуски, Фурқатжон ва Баходиржонимнинг умри қисқа экан, фарзанд доғи эримнинг қаддини букиб қўйди. Аёл-ку, йилга-йилга ичми бўшатар, аммо эркакка қийин экан, ичига солавер-

лардаёқ боғчада сабзавотлар етиштиришни йўлга қўйдик.

Ёшлигимдан ерни яхши кўрардим. Қачондир кўп ерим бўлсайди, деб ният қилардим. Мустақиллик орзуларимни ушалтирди. Ҳозир 63 ёшдаман. Болаларим ҳаётда

дими, юрак хасталиги ундан бир кечада бизни айириб қўйди...

дими, юрак хасталиги ундан бир кечада бизни айириб қўйди...

Юришлари шахдам, кўринишидан ғайрат ва шижоат балкиб турган бу аёлни галлаоролликлар яхши танишади. Киндик қони шу она тупроққа тўқилган Замира Худойбердиева "Ҳотам Худойбердиев" хусусий корхонасида иш юритувчи бўлиб хизмат қилади. Ўзи истиқомат қиладиган манзилни обод қилишга астойдил бел боғлаган бу жонқар аёлни доим хайрли тadbирлар ташвишида елиб-югурганини кўрасиз.

— Қизилқўрғон қишлоғида нима кўп, тўй-томоша кўп, — дейди Замирахон. — Ҳар кун новвойларимизнинг кўли-қўлига тегмайди. Тандир-тандир нон ёпилганини кўриб дилингиз равшан тартади. Буларнинг бари юртимиздаги фаровонлик ва тўқинчилик нишонаси-да. Ризқимиз бутлиги ва улуглиги ҳам шундан. Сахсонги қоралаётган онажонимга қишлоқ аёллари ҳазиллашди: "Ойлар эна, кизини сиз туққан экансиз-да, ўнта йигитдан ортик шижоати бор-а", дейишаркан. Қолаверса, биз тadbиркор аёллар учун мамлакатимизда барча шарт-шароитлар муҳайё қилинган. Айниқса, туман хотин-қизлар кўмитасининг бош мутахассиси, итисодчи Мехринисо Бобоевнинг беминнат кўмагидан миннатдоримиз. У мен каби ишбилармон хотин-қизларни янги-янги режалар тузишга рағбатлантиради, иштиёқимизни ортттиради.

Замиранинг гапларида жон бор. Аслида бирор ишни бошлаган кезларингда сенга ишонадиган ва қўллаб-қувватлайдиган кишилар ёнингда турса, кучинга куч қўшилади-да. Худди шу каби раҳбарлар ҳақида Замира тўлқинланиб гапиради. Атрофда суянадиган, мададкоринг бўладиган маънавий юксак инсонлар бўлган, иш албатта, осон кўчаверди. "Ҳотам Худойбердиев" хусусий корхонаси тасарруфидан айни пайтда новвойхона, аралаш моллар дўкони ва эшикром чиқарадиган "Akfa" цехи иш юритаётир. Уларда йлгирма чоғли киши иш билан таъмин-

ланган.

— Ҳозир турмуш ўртоғим билан ҳамкорликда янги режаларни амалга оширишга ҳаракат бошлаганмиз, — дейди Замирахон. — Қишлоқ аёлларининг истагини инobatга олиб, тикув цехи очмоқчимиз. Шунингдек, қишлоқда яшаганимиз билан қишда помидор ва бодрингни анча қиммат нарҳда сотиб оламиз. Шу сабабли каттагина

на иссиқхона қуришни режалаштирдик. Насиб қилса, кеч куз ва қишда ҳам помидор ва бодрингни эл дастурхонига етказиб бераверамиз. Энг яхши жиҳати шуки, бу орқали янги иш ўринлари яратилади.

Дарвоқе, ишбилармон суҳбатдошимиз айтганидек, интилган, ишнинг кўзини билган киши албатта мақсадига етади. Корхона раҳбари Анвар Худойбердиев ҳам маҳалладошларининг тўй-томошаларида, маърака-йигинларида қараб ўтирадиганларданмас. Уларнинг аҳил турмуши ва сахий, очиқ-қўллиги ҳаммага маълум. Оилада камолга етган фарзандлар — Элдор, Азиза ва Феруза ўқимишли, зиёли инсонлар. Кўёвлари Асқар ва Фарходлар ҳам ўз фарзандлари каби меҳрибон. Малика, Ҳожиакбар, Арслонбек, Умиджон исмли бири-бирдан ширин набиралар оилавий давранинг файзи, қувончи.

Ободлик — оиладан бошланади, деб бежизга айтилмаган. Замирахон сингари меҳнаткаш ва тиниб-тинчимас аёлларнинг хонадонини ҳаммиша хотиржам, тўқис. Бу фаровонлик ва тўқин-сочинлик эса аввало ўзаро ҳамжихатликда ва оилавий соғлом муҳитнинг барқарорлигидадир. Галлаоролда эса бундай тadbиркор ва ишбилармон бекажонлар йил сайин қўлайиб бораётир.

Норинисо ҚОСИМОВА,
"Оила ва жамият" мухбири,
Жиззах вилояти.

ГАЛЛАОРОЛЛИК ИШБИЛАРМОНЛАР



жа бодрингни эл дастурхонига етказиб бераверамиз. Энг яхши жиҳати шуки, бу орқали янги иш ўринлари яратилади.

Норинисо ҚОСИМОВА,
"Оила ва жамият" мухбири,
Жиззах вилояти.

Жараён

ҲУНАРЛИ АЁЛЛАР КўПАЙМОҚДА

«Хунарманд» уюшмасининг вилоят бўлими томонидан ёш авлодга миллий хунармандчилик турларини ўргатиш самарали йўлга қўйилган. Ҳозирги кунда уста-хунармандларнинг устахоналарида ташкил этилган 192 та «Уста-шоғирд» мактабларида 507 нафардан ортик шоғирдлар хунар ўрганишмоқда.

Уюшма аъзолари турли кўрғазмалар ва танловларда ўз маҳсулотлари билан фаол иштирок этишмоқда. Жумладан, ёш тadbиркорлар фаолиятини кенг тарғиб қилиш ва уларни маънавий рағбатлантириш мақсадида ташкил этилган «Ватаним тараққиётида менинг ҳиссам» номли ёш тadbиркор, фермер ва хунармандлар кўрғазмасининг республика босқичида Нозима Абдусаматова 16 турдаги миллий ва замонавий либослар, Хуршида Ҳайитбоева 25 турдаги попчилик маҳсулотлари, Ботиржон Солиев эса 50 турдан ортик қуллочилик намуналари, чинни буюмлари билан қатнашди.

Қувончлиси, ўтган йилда бўлимимиз Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди грантига сазовор бўлиб, бу борада кўпгина хайрли ишлар амалга оширилди. Тақдим этилган истиқболли лойиҳа доирасида уюшма-мизнинг фаол аъзоларидан Нозима Абдусаматова ва Гулнора Курбонвалар раҳбарлигида Наманган шаҳри ва Янгиқўрғон туманида яшовчи 30 нафар вақтинча ишсиз хотин-қизлар миллий кўғирчоқлар ясаш, либослар бичиш ва дизайнерлик бўйича сабоқлар олиб, эндиликда ўзлари мустақил равишда фаолият юритишяпти.

Вилоят хотин-қизлар кўмитаси ва кенгаш аъзоларининг яқиндан берган кўмаклари туфайли уй бекаларини иш билан банд қилиш, тadbиркорлик фаолиятини бошлашларига кўмаклашиш юзасидан юқори кўрсаткичларга эришилмоқда.

Икромжон КАРИМОВ,
«Хунарманд» уюшмасининг Наманган
вилоят бўлими раҳбари.

Фарход СОБИРОВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози:

ШАХМАТ — ҲАЁТ ФОРМУЛАСИ

Республика олий спорт маҳорати мактабининг шахмат бўйича катта мураббий Фарход Собиров жорий йилда Президентимиз Фармони-га мувофиқ “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози” унвони билан тақдирланди.

— Фарход ака, назаримда шахмат тахтаси ва доналари бир оилани ёдга солади. Шохни ота, фарзинни она, пёдалларни эса фарзандларга қиёсласак бўладими?

— Қизиқ-ку, бу мен кутмаган чиройли ўхшатиш бўлди. Ростдан ҳам шундай. Аслида шахмат тахтасини ҳаракатга келтирувчи кучлар ҳам мана шу учлик ҳисобланади. Тахтада фарзин шохни ҳимоя қилганидек, ҳаётда аёл ҳам ўз оиласини, фарзандларининг отасини ардоқлайди. Оила тинч-тотув экан, ҳаёт мазмунини йўқотмайди. Фарзандлар ҳам то йўллари топиб олгунларича ота-онасидан ҳам маънавий, ҳам моддий кўмак олиб улғайишади.

— Энди ўзингизнинг бу сирли дунёга ошно бўлиш тарихингиз ҳақида эшитсак.

— Менинг шахматга бўлган қизиқишимга отам, техника фанлари доктори, профессор Шавкат Собиров сабабчи бўлган. У киши узоқ йиллар Тошкент Автомобиль йўллари институтида дарс берган, ҳозир кексалик гаштини суряпти. Шахмат сабоқларини 6 ёшимдан ўргана бошлаганман. Отанинг дўстлари, ҳамкасблари уйимизга меҳмонга келса, шахмат ўйнамай, қайтишмасди. Мен ҳам уларнинг гаройиб баҳс-мунозараларини кизиқиб томоша қилардим. 12 ёшимдан бошлаб шахмат тўрагагида жиддий шугуллана бошладим. Ёшлар ўртасида ўтказилган турли мусобақаларда иштирок этдим. Кейин ҳарбий хизматда, ундан сўнг институтда ҳам сеvimли машғулотимни давом эттирдим. Тошкент Автомобиль йўллари институти тугатганидан сўнг саккиз йилча ўзим эгаллаган мутахассислик бўйича ишладим. Аммо шахмат олами мени ўзига оҳанрабодек тортаверди.

— Хўш, шахмат билан, ҳатто ўзингиз танлаган соҳадан кечиб, жиддийроқ шугулланишингизга нима туртки бўлди?

— Бир куни тасодифан ёшликдаги жамоадошим Олғани кўриб қолдим. У билан кўпгина мусобақаларда рақиб жамоага қарши ўйнаганимиз. Тақдирни қарангки, ёшликдаги дўстона муносабат муҳаббатга айланди. Турмуш курганимиздан сўнг хоҳласам ҳам, хоҳламасам ҳам Олға Собировага ёрдамлаша бошладим. Турнирлардан олдин иккаламиз кўнага 2-3

соат машқ қиламиз. Кучли рақибларга қарши қўллаш учун ҳар хил усулларни ўйлаймиз ва ўқийдиган китобимиз ҳам, телевизор орқали кўрадиган фильмларимиз ҳам шахмат ҳусусида бўлади. Шахмат мени шунчалик ўзига тортидики, ниҳоят касбимни ўзгартиришга қарор қилдим. 2000 йилдан бошлаб, бу спорт тури бўйича мураббий иштирокчиси, етти карра Ўзбекистон чемпиони, халқаро спорт устаси. Қизим Комила Собирова ҳозир 14 ёшда. Саккиз ёшгача бўлган болалар ўртасида Ўзбекис-

билан аёллар ортида қолаётган, деган фикрдан йироқман. Ўзингизга маълум, қиз бола балоғатга етганидан кейин оила қуриш ҳақида бош қотиради. Бола туғилгач, рўзгор ташвишларига чалғийди, кўп вақтини фарзанд тарбиясига бағишлайди. Танафусдан сўнг яна шахматга қайтиб, формасини тиклаб олиши анчайин қийин кечади.

Яна бир мулоҳаза: аёллар белгиланган аниқ қоида яъни ҳисоб-китоб бўйича юради. Улар амалиётга кўпроқ таянишади. Агар қуришга бирор аниқ сабаб кўришмаса, шахмат дончаларини рақибга қурбон қилишмайди. Эркаклар эса кўпинча тавақал қилишади ва ички ҳиссиётга таяниб иш кўришади. Натижада,



тон чемпиони. Шахмат бўйича ўтказилган жаҳон ҳамда Осиё чемпионатлари иштирокчиси. Ота сифатида фарзандим бу борада ўз фаолиятини муваффақиятли давом эттиришини чин дилдан истайман.

Ота-онамизга меҳмонга борсак, бобо-невара ўртасида кизгин беллашув бошланади. Онам Уриной Собирова ҳам олий маълумотли. Ҳозир неваралар тарбияси билан машғул. Жияним Шаҳноза Собирова ҳам шахмат бўйича спорт устаси. Ҳозир 22 ёшда. Кўпроқ мураббийлик ҳамда ташкилий ишлар бўйича фаолият олиб боради. Бизнинг оиламизни шахматчилар оиласи деса ҳам бўлади.

— Эркак ва аёллар ўртасидаги шахматнинг қандай фарқли жиҳатлари бор?

— Эркакларда касбга бўлган иштиёқ аёлларга қараганда кучлироқ бўлади. Шу боис бугунги кунда эркакларнинг кўрсаткичлари аёлларникидан юқорироқ. Бу

ўйинда янгилик (импровизация) ўйлаб топишади. Бу ҳолат аёлларда камроқ учрайди. Жисмоний тайёргарлик ҳам эркакларда нисбатан кучли. Ўйиннинг охириги 5-6 соатларида аёллар чарчаб қолиши оқибатида кўп хато қилишлари мумкин. Эркак киши ҳар қандай шартда ҳам ўйин узоқ давом этишига қарамай, мувозанатни сақлаб тура олади.

— Мусобақалардан олдин баҳсларга тайёргарлик жараёнларини қандай олиб борасиз?

— 2003 йилдан 2008 йилгача шахмат бўйича аёллар миллий терма жамоасига, 2010 йилдан эса эркаклар миллий терма жамоасига мураббийлик қилиб келаяман. Менинг гуруҳимда беш нафар турли ёшдаги ўқувчилар бор. Биз қайси жамоага қарши ўйнашимизни биламиз, лекин қандай салоҳиятли ўйинчиларга қарши донасуришимиз номаълум. Ўйинга яхши тайёргарлик кўриш учун машғулот давомида кўтаринки кайфият жуда му-



ҳим ўрин тутади. Спортчида ўзига нисбатан ишонч бўлса, у энг номдор ўйинчининг қаршисида ҳам ўзини эркин ҳис қилади. Одам бирор ишга яхши кайфият ва кўркүвсиз киришса, албатта, кўзлаган натижага эришиши осон кечади. Шунингдек, жамоадорлар орасида бир-бирига гайирлик, ёмон кўз билан қараш бўлмаса, ҳамма бир-бирига ёрдам берса, галабага бўлган иштиёқ кучаяди. Бу борада жамоамиз спортчиларидан кўнглим тўқ. Август ойида Норвегияда бўлиб ўтган Бутун жаҳон шахмат олимпиадасида ҳам аёллар, ҳам эркаклар миллий терма жамоаларимиз яхши иштирок этди. Эркаклар ўртасидаги баҳсда 2004 йилги жа-

ҳон чемпиони Рустам Қосимжонов россиялик машғур шахматчи Владимир Крамник устидан галаба қозонди. Украиналик таникли шахматчи Василий Иванчук устидан қозонилган галаба эса жамоамизга улкан ютуқ келтирди. Сарвиноз Курбонбоева биринчи тахтада яхши натижа кўрсатган бўлса, Ирина Геворган халқаро спорт устаси талабларини муваффақиятли бажарди. Севара Боймуродова ҳам яхши натижага эришса олди. Олға Собирова еттига ўйиндан бештасида тўти, иккитасида имкониятни бой берди. Терма жамоамиз эркаклари 17- аёллар эса 35-ўринни эгаллаб қайтишди.

Охириги икки йил давомида жамоамизда ўйинлар анча жонланди. Юртимиз шаънини ҳимоя қиладиган спортчилар, яъни кучли ўринбосарлар етишиб чиқаётгани мени қувонтиради. Иқтидорли болалар жуда кўп. Жанубий Африкада 10 ёшгача болалар ўртасида бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида тошкентлик Нодирбек Абдусатторов кумуш медални қўлга киритди. Бунгача у 8 ёшгача бўлган болалар ўртасида жаҳон чемпиони деган шарафли унвонни қўлга киритганида, эслайлик, қанча шов-шувлар бўлганди. Нодирбек ҳозир ҳам жуда яхши ўйинлар намоиш этмоқда. Ўзининг ёшида кучли ва иқтидорли шахматчи. Тошкентда биринчи гроссмейстер Георгий

Ифтихор

Аъзамов хотирасига бағишлаб ўтказилган турнирда ўзидан бир неча ёш катта гроссмейстерларни юганини ҳам фахрланиб таъкидлашни истардим. Шунга қарамай, унинг шахмат билан боғлиқ ҳаёти ҳали олдинда. Агар ҳаммаси шундай давом этса, Рустам Қосимжонов кўрсатган натижаларга эришиши шубҳасиз.

— Бир мутахассис, мураббий сифатида айтингчи, бугунги кунда қайси вилоятларда шахматга бўлган эътибор кучли?

— Охириги икки-уч йил ичида деярли барча вилоятларда бу нозик ва сеҳрли спортурига эътибор кучайди. Ўзбекистон чемпиони баҳсларида Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлар шахматчилари муносиб иштирок этишмоқда. Ҳар бир вилоятда мураббийлар жонқуярлик билан ишлаяпти. Шу боис иқтидорли ўйинчилар етишиб чиқаёпти. Ҳозирда Жаҳонгир Воҳидов халқаро гроссмейстер унвонини олди. Машғулотларни Самарқанд болалар ва ўсмирлар спорт мактабида ўтказган Жаҳонгирнинг бундай ютуқларга эришишида шубҳасиз айтаманки, отаси, халқаро гроссмейстер Тоҳир Воҳидов ҳамда амакиси Абдуваҳоб Воҳидовларнинг меҳнатлари кўп сингган. Жиззахлик мураббий Ойбек Ҳамроқуловнинг қизи Юлдуз Ҳамроқулова аёллар миллий терма жамоаси аъзоси. Хоразмлик Нодирбек Ёқуббоевнинг қўлга киритаётган галабаларида унинг биринчи мураббийи Руслан Ниёзметовнинг ҳиссаси катта. Тошкент вилоятининг Чирчиқ шаҳрида ҳам ўзига хос шахмат мактаби шаклланаётганини таъкидлашни истардим.

— Ота-оналар фарзандида ушбу спорт турига бўлган қизиқишини кучайтириш учун нималарга эътибор беришлари зарур?

— Тажрибамдан келиб чиқиб шуни айта оламаники, агар бола шахмат ўйнашни ёқтирмаса ёки хоҳламаса, уни уриб-сўққаннингиз билан фойдаси йўқ. Бу спорт турида муносабат худди транспорт катновига ўхшаб икки тарафлама бўлиши керак. Агар мураббий болани қизиқтира олса, демак, у муваффақиятга замин ҳозирлаган бўлади. Қолган ишни боланинг ўзи давом эттириши керак. Шахматга мажбуран келган бола маълум даражагача етиб боради-да, барибир бир кун келиб уни ташлайди. Агар боланинг шахматга меҳри баланд бўлса, телевизор кўришдан, кўчага чиқиб ўйнашдан кўра, кўпроқ шахмат доналари ҳақида ўйласа, бундай болаларга алоҳида эътибор бериш керак. Чунки, бу спорт турига муҳаббат қўйганларинанг энг нуфузли ютуқларга эриша оладилар.

“Оила ва жамият”
муҳбири
Нигора РАҲМОНОВА
сўхбатлашди.

МЕҲНАТ ДАФТАРЧАНГИЗ ҚАЛБАКИ ЭМАСМИ?

Беш йил аввал савдо растасидан меҳнат дафтарчаси сотиб олиб, ташкилотга ишга киргандим. Яқинда ана шу ҳужжатнинг қалбаки эканлигини айтишди. Мазкур ҳолатда қандай йўл тутишим керак? Меҳнат дафтарчасини юритиш ҳақида кенгроқ маълумот берсангиз.

Сабина,
Тошкент шаҳри.

Дўконлар, бозорлардан сотиб олинган ёки хусусий наشريётлар томонидан ишлаб чиқарилган меҳнат дафтарчалари ноқонуний ҳужжат ҳисобланиб, бекор қилиниши зарур. Бундай ҳолатда ишчи ходим ўз раҳбари номига ушбу ҳужжат хусусида ариза тақдим этади. Мазкур аризага асосан, корхона томонидан Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказига мурожаат қилинганидан кейин меҳнат стаж ҳақидаги барча маълумотлар дубликатга ёзилади. Меҳнат дафтарчаси дубликати Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1998 йил 29 январда 402-сон билан Давлат рўйхатидаги ўтказилган (ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган) "Меҳнат дафтарчаларини юритиш тартиби тўғрисида" ги Йўриқнома талабларига мос ҳолда тўлдирилади.

Мазкур Йўриқномага мувофиқ, меҳнат дафтарчалари ходимларнинг стажини тасдиқловчи асосий ҳужжат бўлиб, мулкчилик ва ҳужалик юритиш шаклидан қатъи назар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда 5 кундан ортиқ ишлаган, шу жумладан, муайян муддатга ёлланганларга, шунингдек, давлат ижтимоий сугурта қилиниши кўзланган тақдирда, шатлар жадвалидан ташқари ходимларга ҳам юритилади.

Ҳар бир корхона ўз эҳтиёжларидан келиб чиқиб, лекин шат жадвалида назарда тутилган ходимлар сонидан ошмаган ҳолда, меҳнат дафтарчалари сотиб олиш ҳуқуқига эга. Меҳнат дафтарчалари ва меҳнат дафтарчаларига қўшимча арақлар корхоналар томонидан маҳаллий меҳнат органларидан олди-сотди шартномаси асосида сотиб олинади. Меҳнат дафтарчаларини бошқача тартибда сотиш, шунингдек, фуқаролар томонидан меҳнат дафтарчаларини сотиб олиш тақиқланади.

Таъкидлаш жоизки, Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази томонидан корхоналарга берилган ҳар бир меҳнат дафтарчаси рўйхатга олиб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 25 июлдаги 283-сонли "Расмий давлат ҳужжатларини тайёрлаш, ҳисобга олиш, сақлаш, топшириш ҳамда улардан фойдаланиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида" ги қарорига (ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган) кўра, меҳнат дафтарчаси расмий давлат ҳужжати ҳисобланади. Расмий ҳужжатлар бланклари "Давлат белгиси" давлат ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан ишлаб чиқарилган, қалбакилаштиришдан ҳимоя қилувчи элементлари бўлган махсус қоғозда тайёрланади.

Барча расмий ҳужжатлар каби меҳнат дафтарчалари муайян серияга ва тартиб рақамига эга бўлиб, қатъий ҳисобда туради.

Меҳнат дафтарчалари Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларда махсус белгилар (Тошкент шаҳри – TN (000000), Тошкент вилояти – TV (000000), Андижон вилояти, – AN (000000), Навоий вилояти – NV (000000) ва ҳоказо...) орқали фарқланади.

Саволга Тошкент шаҳар Юнусобод тумани Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази давлат меҳнат ҳуқуқ инспектори Алижон АБДУЛЛАЕВ жавоб берди.

Ота-оналарнинг кўпчилиги бу саволга жавоб излашади. Боланинг тишлаши аслида табиий ҳодисами ёки генетик ҳолатми? Буни ўз вақтида бартараф этиш учун нималарга эътибор қаратиш лозим? Шу хусусдаги саволларга жавоб олиш мақсадида мутахассисга мурожаат этдик.

Гўзал РЎЗМЕТОВА,
психолог:

— Болалар одатда бир ёшгача тишлаши мумкин. Кўпинча бунга тиш чиқиши ёки милкнинг қичиши сабаб бўлади. Шу билан бирга гўдақ энди тетапоё бўлаётган пайтда кўлидаги нарсани оғзига солиб, ялаб, тишлайди... ва шундай тарзда ташқи муҳит, дунё билан танишади ва уни ўрганади. Бу табиий ҳолат. Лекин бундай ҳолатлар икки ёшдан сўнг ҳам давом этса, бунга ҳар бир ота-она жиддий эътибор қаратиши шарт.

Бу ёшда гўдақ ҳис-туйғуларини сўз билан ифода қила олмайди. Шу сабабли у ўз ички кечинмалари, яъни, нимадан ёки кимдандир норозилигини, хурсандчилигини, рашқини хатти-ҳаракати орқали намоён этади.

● Боланинг тишлашига одатланишига кўпинча ота-оналарнинг ўзлари сабабчи бўлиб қолади. Чунки улар болаларини жудаям яхши кўриб кетишганда тишлаб эркалашади. Қуш уясида кўрганини қилади, деганларидек, бола тишлаш ҳам меҳрнинг бир кўриниши деб ўйлаши мумкин.

БОЛАМ НЕГА ТИШЛАЙДИ?

● Ота-она бир-бири билан кўп уришганда бу ҳолат ҳам боланинг асабларига салбий таъсир кўрсатади ва ичидидаги оғриқни ифода қилади. Бундай пайтда отадан кимдандир тишлаб олиши мумкин.

● Хонадонда ука ёки сингил пайдо бўлганда чақалоққа кўпроқ эътибор қаратилади. Шунда кичкинтой ўз ота-онасини чақалоқдан рашқ қила бошлайди. Ўзига нисбатан эътиборсизликка чидалмай, катталар диққатини ўзига қаратиш учун бола чақалоқни тишлаб олади.

● Боғчадаги болалардан бири унинг ўйинчоғини тортиб олганда ёки урганда, бола тишлаш орқали ўзини ҳимоя қилиши, боғчада унга нисбатан бўлаётган совуқ муносабат оқибатида ҳам асабийлашиб, ўз тенгдоши ёки боғча тарбиячисини тишлаб олиши мумкин.

● Қайсарлик билан ўз айтганини қилдирмоқчи бўлганда ҳам болажонлар ёнидаги одамни тишлаб, ички агрессиясини ифода қилади.

Ўқоридаги ҳолатлардан бирортаси юз берганда болани уришиш, кўпчиликнинг олдида уялтириш, унга бақирриш, мажбурлаб кечирим сўраттириш мутлақо нотўғри!

Бу ҳолатнинг олди олинмаса, кейинчалик бола учун одат тусига айланб қолади. Бундай пайтда ота-она янаям эътиборлироқ бўлгани маъқул. Болани кузатиб, у қандай ҳолда тишлаётганини аниқлаш муҳим. Агар ота-она уришаётганда тишлаётган бўлса, демак, уришишни камайтириш, ўзини ҳимоя қилаётганда тенгдошини тишласа, бошқа ҳимоя йўллари унга ўргатиш мақсадга мувофиқ. Ота-онасини рашқ қилаётган бўлса, унга эътиборни кучайтириш тавсия этилади. Агар булар ёрдам бермаса, у ҳолда психолог-мутахассисга мурожаат қилиш лозим.

Латофат САЪДУЛЛАЕВА тайёрлади.



БАНАН – меваси узунчоқ, йирик, тотли, банансимонлар оиласига мансуб бўлган кўп йиллик тропик ўсимлик "банан" деб аталишини яхши биламиз. Хўш, бу сўзнинг туб илдизи қандай маънони англатади? "Банан" аслида "бармоқ" деган мазмунни ифода қилади. Бунга сабаб бу меванинг бармоққа ўхшашига сабаб бўлган бўлиши керак. Бу сўз тилимизга испан тилидан кириб келган.

Дўстлар бироз сўлган бананларнинг олтинсимон пўстларини арчиб, нон билан ея бошладилар.

Ойбекнинг "Нур қидириб" асаридан

ЯНТОҚ – дуқаклиларга мансуб, тиканли, кўп йиллик ўтнинг номини билдирган "янтоқ" сўзнининг туб илдизи илмий манбаларда "алангалан" маъносига даг "ён" феъли деб кўрсатилади. Дарҳақиқат, янтоқ озгина учқун бўлса ҳам алангалиниб, тезда ловуллаб ёнади.

Туяга янтоқ керак бўлса бўйинни чўзади.

Мақол

ЯҚИН – бу сўзни тилимизда жуда кўп ишлатамиз. Шунингдек, бу сўзнинг унча катта бўлмаган оралик масофа, оз фурсат, дўстона муносабат, бир-бирига ўхшаш, тахминан каби маъноларни англатишини ҳам яхши биламиз. Хўш, "яқин" сўзнининг туб илдизи қандай мазмунни ифода қилган? "Яқин" сўзи асли "ҳақиқий билим", "қатъий ишонч" деган маъноларни англатган.

Қозонга яқин юрсанг, қораси юкар.

Мақол

Эшқобил ШУКУР тайёрлади.

РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА

«ЎКТАМХОН-НУР» ўқув маркази

қуйидаги ўқув курсларига таклиф этади:

Тикувчилик – 3 ой.
Тўй ва оқшом либослари – 1-2 ой.
Аёллар костюм-шимми, плаш-пальто – 1-2 ой.
Ҳамшира – 6 ой, 4 ойи ўқиш, 2 ойи амалиёт.
Ҳамшира (тезкор) – 3-4 ой (амалиёт билан).
Тиббий массаж – 3 ой (2 ойи ўқиш, 1 ой амалиёт).
Торт ва пишириқлар – 2 ой.
Олий торт безатиш курси – 1 ой.
Уйғур, Европа таом ва салатлари – 2 ой.
Жаҳон таомлари – 2 ой.
Аёллар сартарошлиги – 3 ой.
Тўй ва оқшом турмаклари ва макияж – 1 ой.
Бухгалтерия ҳисоби – 3 ой (0 дан балансгача).
Элита парда ва чойшаблар тикиш – 1 ой.
Элита парда ва чойшаблар тикиш олий курси – 1 ой.

Бичиш-тикиш, моделлаштириш ва малака ошириш – 1 ой.
Сартарошлик – 2-3 ой (ўғил болалар учун).
Тирнок, кеприк ўстириш ва дигпелляция – 1 ой.
Кашгачлик – 3 ой (машинада вышивка).
Тўқувчилик – 3 ой.
Инглиз тили – 3 ой, рус тили – 3 ой, турк тили – 3 ой, корейс тили – 3 ой.
Бисер, яъни мунчоқ тикиш – 2 ой.
Декоратив гул ясаш – 1 ой. Сарпо қути ва саватлар ясаш – 1 ой.
Бисердан гуллар, дарахтлар ясаш – 2 ой.
Карвинг (мева ва सबзавотлардан композиция ясаш) – 3 ой.
Компьютер сабоқлари – 2 ой, Интернет – 1 ой.

Барчаси амалиёт билан. Ётоқхона мавжуд.

Ўқини тугатганларга ДИПЛОМ берилади.

МАНЗИЛ: Юнусобод тумани 3-мавзе 1-уй 31-хона. МЎЛЖАЛ: Юнусобод дехқон бозори бош тарафи орқасида.

Тел: (8 371) 221-17-95, 221-77-72, +99894 678-50-30 225-97-93 (18⁰⁰ дан 22⁰⁰ гача).

ФИЛИАЛ МАНЗИЛИ: Ҳамза тумани Фарғона йўли кўчаси 4-уй 40-хона. МЎЛЖАЛ: Қўйлик кийим бозори рўпарасида.

ТЕЛ: (8371) 295-97-82, +99894 678-50-30 (кундузи)

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Ҳурматли
Содиқ ЗУПАРОВ!

Сизни туғилган кунингиз билан муборакбод этамиз. Фарзандлар бахтига ҳамиша соғ-саломат юришингизни тилаймиз.

Турмуш ўртоғингиз Холида,
ўғлингиз Худоёр

ЭЪЛОН!

Зиятдинов Жавахир Махамад Аминович номига 2-Тошкент юридик коллежи томонидан 2010 йилда берилган К 1851736-рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Муҳаббат опанинг
ҳикояси:

— Турмуш ўртоғининг касби агроном бўлса-да, бундан ўн беш йилча аввал ўзининг соҳасида ишламай, киракашлик қилиб, рўзгоримизни тебратарди. Мен кийим-кечак тикардим. Икки ёрти бир бутун бўлиб, тинч-тотув яшардик.

Бир куни у киши одатдагидан анча кеч қайтди. Ёнида бир жувон ва уч ёшлардаги болакай ҳам бор эди. “Муҳаббат, хафа бўлмайсан, манави синглимни айтган манзилига олиб борсам, қидирган одамни топа олмади, она-бола бемаҳалда кўчада қолишмасин, деб уйга олиб келавердим”, деди турмуш ўртоғим узрли оҳангда. Менинг хаёлимга эса минг хил нохуш ўй келди: “Ким бу? Нега эрим бегона аёлни уйимизга етаклаб келди? Устига-устак боласи ҳам бор. Бемаҳалда эрим билан етаклашиб юришида бирор гап бормикан?..”

Меҳмоннинг олдида чойнон қўйганда ҳам, меҳмонхонага жой қилиб бераётганда ҳам ичимни ит тирнайди, денг. Бирор ноҳўя гап айтиб юбормаслик учун бир амаллаб ўзимни босиб турибман. Ўзим билан ўзим бўлиб, меҳмонга илиқроқ муомала ҳам қилолмадим. Она-бола чарчашган эканми, тезда ухлаб қолишди.

Барибир ичимда бир овоз: “Йўқ, эркакларни тергаб турмасанг эртага охири яхшилик билан тугамайди, алдовларига ишонма”, дерди.

— Дуч келган одамни бошлаб келаверасизми? Ёки ораларингиз бирор гап борми? — дедим эримга таънали нигоҳ ташлаб.

Унинг манглайи тиришиб, аччиги чиқиб кетди: “Эсинг жойидами? Шўрлик аёл шу тобда қаёққа борарди? Шундоғам минг хижолат билан бизникига келишга рози бўлди”.

— Ким кўринса, эргашиб кетаверадиган аёлда андиша бўларканми?! — дедим зардали овозда.

Турмуш ўртоғим бирдан туюқиб кетди:

— Ҳой инсон, сал кенг феълли бўлгин, одам деган савобли ишларни ҳам қилиб туриши керак-ку!

Ўша куни эрталабгача кўнглимдан ўтаётган шубҳагумонлар билан олишиб чиқдим. Тонгга яқин кўзим илинибди. Уйғонсам, хўжайиним қаёққадир чиқиб кетган экан. Нонушта тайёрладим. Меҳ-

ЯХШИЛИК
ҚАЙТАР ЭКАН...

монни дастурхонга таклиф этдим. Исми Моҳиғул экан. Шундаям тинчимадим, ўзимча, унга тўғри келган одамга эргашиб кетавериш яхшимаслигини гап орасида бир неча марта қистириб, чакиб олдим. Жувон узун киприklarини пирпиратиб, ерга термилди.

Бир пайт хўжайиним хурсанд қайтиб келди.

— Синглим, акангизга кўнғироқ қилгандим, эрингиз ишлайдиган бўлинманинг манзилини айтди. Сиз сал адашган экансиз-да, шунга кечкурун топа олмабиз, — деди у.

Бу гапни эшитгач, яна коним кўпирди. Жанжал-тўполон бошлаб юборишимга сал қолди. Меҳмоннинг хурмати юзасидан тишимни-тишимга босдим.

— Аяси, сен ҳам юр, бу синглимни турмуш ўртоғига топшириб келамиз, — деди хижолатомуз.

Бу ишни менинг кўнглимдаги шубҳаларни тарқатиш учун қилдимки ёки манави жувоннинг эри: “Кечаси қаерда қолган экан”, деб шубҳаланмаслиги учунми, аниқ билолмадим. Ишқилиб, иккалаимиз меҳмоннинг эри ишлайдиган ҳарбий бўлинмага олиб бордик. Йигирма етти ёшлардаги йигит бизларни илиқ кутиб олди. Қилган яхшилиги учун эримга қайта-қайта раҳматлар айтиб, аёлни етаклаб ичкарига кириб кетди. Шундан кейин ҳам анча вақтгача эримдан шубҳаланиб юрдим.

Кўп ўтмай, умр йўлдошим туманимизнинг чекка худудида кўп йиллардан бери қаровсиз ётган ерни олиб, боғ яратиш ҳаракатига тушиб кетди. Ерга, экин-тикинларга меҳри банд бўлгани учунми, тезда иши ҳам унумли бўла бошлади. Ёнди киракашлик қилиб қийналиб ўтирмасди. Менинг ҳам бичиш-тикишимга барака кириб, маҳаллада тикувчилик цехи очди. “Ҳаракатда баракат”, деганлари рост

экан. Ишларимиз юришиб кетди. Югур-югурларим кўп бўлгани учун эрим билан келишиб, “Матиз” машинаси сотиб олдик. Ҳайдовчилик курсида ўқиб, машинани ўзим ҳайдай бошладим. Узоғим яқин, оғирим енгил бўлди. Бундан айниқса, қайнонам суюнди. Узоқ-яқиндаги қариндошларникида тўй-маъракалар бўлиб қолса, қайнона-келин эркакларга мўлтираб ўтирмаймиз. Аёлларнинг эса юриши кўп. Суннат тўй, бешик тўй, қиз ўтириш, хотин оши дегандек... Бормасанг бўлмайди.

Яқинда кўшни туманга келин бўлган дугонам қиз чиқар-

дай дала. Ана шу йўлнинг ўртасига келганимизда пакиллаган овоздан чўчиб тушдик. Машинани четга олиб тўхтатдим. Баллон ёрилиб кетибди. Аксига олиб, захира баллонни уйда қолдиривдим. Ярим кечаси уч аёл нима қилишимизни билмай, туриб бирорта уловнинг ўтиши ҳам амри-маҳол.

— Бизни кузатаётган хотинларнинг кўзи тегди, — деди қайнонам.

— Ёнди нима қиламиз, шу пайтда бирорта ёмон ниятнинг кўлига тушсак, аҳволимиз нима кечади? — деб ваҳима қила бошладим онам.

— Ҳозир уйга телефон қиламан, ўғлингиз бирор йўлини топар, — деб уларни тинчлантирдим.

Аммо бу жойларда алоқа яхши эмаслиги боис, кўл телефонимдан турмуш ўртоғимга кўнғироқ қила олмадим. Атроф зимистон. Бир соатча шу аҳволда нима қилишимизни билмай ўтирдик. Узоқдан машинанинг чироғи кўринди-ю, суюнганимдан дар-

ҳол ташқарига чиқиб, кўл силқиб бошладим. “Матиз” машинаси олдимга келиб тўхтади. Машинадан икки киши тушди. Уларга вазиятни тушунтирдим. Қўшимча баллонни бор экан. “Уйингизгача етиб олгач, қайтариб бера-сизлар”, деди Ҳайдовчи. Рози бўлдим. Ишга киришиб кетишди. Шундан сўнг улардан бири менинг машинамга ўтирди. Иккинчиси ўз машинасини ҳайдаб, ортимиздан йўлга тушди.

— Барака топинг, болам, — деди онам. — Ҳозирги кунда бунақа химнат кўрсатиш ҳаманинг ҳам кўлидан келавермайди. Агар тўхтамай ўтиб кетганимизда эрталабгача нима қилишни билмай ўтирардик.

— Хола, яхшилик қилишда бу ерликлар ҳаммадан ўтиб тушади, — деб гап бошлади ҳалиги киши. — Мен асли самарқандликман. Исмиим Ҳами-



ди. Онам ва қайнонамни олиб йўлга отландим. Анчадан буён борди-келди қилганимиз учун дугонамнинг оиласи билан кадрдонлашиб кетганмиз. Оналаримиз ҳам бир-бири билан дугона. “Қизимиз сизлардек бўлиб юрсин”, деб ният қилиб, келинни узатиб бораётган қудаларга онам ва қайнонамни ҳам қўшиб юборишди. Улар қайтишгунча вақт алламаҳал бўлди. Қайнонам бегона жойда ухлай олмайдилар. Шу боис ҳам дугонамнинг: “Бугун бизникида қолиб, эрта билан кетарсизлар”, деганига қарамай, йўлга отландик.

— Беминнат машина ўзимизники бўлса, бир пасда “ғиз” этиб етиб оламиз, — деди қайнонам, менинг машинани ҳайдашимни бошқаларга кўз-кўзлагандек, бироз кекка кириб, маҳаллада тикувчилик цехи очди. “Ҳаракатда баракат”, деганлари рост

ҚўШНИМНИНГ ГИНАСИ

Кизиқ, баъзан одамлар орасида шундай воқеалар ҳам учраб турадики, на кулишни биласиз, на куйишни. Комила холани яхши таниман. Ҳоҳлатбарор, куйди-пишди кайвони аёллардан бири. Тўй-маъракаларни ҳам имкони борича дабдабасиз, кам-чиқим ўтказиш учун елиб-югуради. Яқинда кўришиб қолсак, куйиниб шундай деб қолди:

— Ҳамсоғларимиздан бири ўғлини уйлантиришга қизгин тайёргарлик кўра бошлади. Қариндош-уруғ, кўни-қўшнилари ни маслаҳатга чорлаган куни ул-бул ишларига қарашин учун уларникига чиқдим. Яқин жигаргўша-

лари билан тўй сарф-харажатлари ҳақида маслаҳатлашаётган пайтда мен, ички муаммоларига аралашмай кўя қолайин, деб секин бошқа хонага чиқиб кетдим. Шунда уларнинг тўйга таклиф этиладиган меҳмонлар рўйхатини муҳокама қилиш билан боғлиқ тортишувларига қутилмаган ҳолатда гувоҳ бўлдим. Негаки, мезбонлар овози ховли бўйлаб қаттиқ эшитилиб турарди.

“Йўқ, фалончини тўйга айтмаймиз, икки йил олдин мен билан бозорда

жанжаллашиб қолувди”, “Писмадончини ҳам айтмаймиз, мени ўзи қиз чиқарганида қақирмаган”, “Ким дейсан, керакмас, ўғлимга совчиликка борганимда кўнмаган” дея маҳаллаимиздаги одамларнинг аксариятини бирмабир “айблай” бошлашди тўй соҳиблари. Шу чоғ, кўнглимдан, «тавба, наҳотки, уларга ҳеч ким яхшилик қилмас бўлса-я?” деган ўй келганида, уй бекасининг: “Комилаларни ҳам айтмаймиз”, деган гапи қулғимга чалинди-ю, бирдан сергак тортидим.

Маълум бўлишича, қўшнимнинг кўнглида менга нисбатан ҳам андаккина гинаси бор экан. Бир йил аввал қизимни турмушга узатган эдик. Ташвишлар билан бўлиб, улар ўтирган хонага қирлиману, яхши сўрашмабман. “Комиланикига тўйга бориб, қақирилмаган меҳмонга ўхшаб чиқиб кетавердик”, дебди бир гал гап орасида қўшнилариимга...

Нилуфар МУРОДОВА,
ёзиб олди.

Тўқилмаган воқеа

дулло. Куёвим туманингизда-ги ҳарбий бўлинмада ишлайди. Бундан ўн беш йилча муқаддам куёвимиз синглим билан ўғлини бу ёққа қақирди. “Сизлар машинага ўтказиб юборсангиз бўлди, ўзим кутиб оламан”, деди. Аммо ҳарбийларнинг ҳаётини биласизку, ўша куни чегарага чиқиб кетишибди. Синглим эса шу ерлик бир ҳайдовчи йигит билан бошқа бўлинмага бориб, куёвимни сўрашибди. Топишолмагач, ўша ҳайдовчи синглимни уйига олиб кетибди. У пайтлар манави телефон дегани ҳаммада ҳам бўлавермасди. Ҳайдовчи эртаксига менга кўнғироқ қилиб, куёвимнинг манзилини сўради. Кейин келин билан бирга бориб, синглимни унинг кўлига топшириб кетган экан. Роса алқаб дуолар қилганмиз. Агар ўшанда бирор каззобнинг кўлига тушганда синглимнинг ҳоли нима кечарди, деб ўйлайман ҳалигача.

Ҳар сафар шу ёққа келганда ўша йигитни топиб, бир миннатдорчилик билдириб кетишни кўнглимга тугаман-у, вақт тигиз бўлиб, қайтиб кетавераман. Куёвим Азаматга ўша савобталаб инсонни суртиштириб топшишни илтимос қилган эдим, киракашлар: “Зақўнғироқ қила олмадим. Атроф зимистон. Бир соатча шу аҳволда нима қилишимизни билмай ўтирдик. Узоқдан машинанинг чироғи кўринди-ю, суюнганимдан дарҳол ташқарига чиқиб, кўл силқиб бошладим. “Матиз” машинаси олдимга келиб тўхтади. Машинадан икки киши тушди. Уларга вазиятни тушунтирдим. Қўшимча баллонни бор экан. “Уйингизгача етиб олгач, қайтариб бера-сизлар”, деди Ҳайдовчи. Рози бўлдим. Ишга киришиб кетишди. Шундан сўнг улардан бири менинг машинамга ўтирди. Иккинчиси ўз машинасини ҳайдаб, ортимиздан йўлга тушди.

— Барака топинг, болам, — деди онам. — Ҳозирги кунда бунақа химнат кўрсатиш ҳаманинг ҳам кўлидан келавермайди. Агар тўхтамай ўтиб кетганимизда эрталабгача нима қилишни билмай ўтирардик.

— Ҳола, яхшилик қилишда бу ерликлар ҳаммадан ўтиб тушади, — деб гап бошлади ҳалиги киши. — Мен асли самарқандликман. Исмиим Ҳами-

ди. Онам ва қайнонамни олиб йўлга отландим. Анчадан буён борди-келди қилганимиз учун дугонамнинг оиласи билан кадрдонлашиб кетганмиз. Оналаримиз ҳам бир-бири билан дугона. “Қизимиз сизлардек бўлиб юрсин”, деб ният қилиб, келинни узатиб бораётган қудаларга онам ва қайнонамни ҳам қўшиб юборишди. Улар қайтишгунча вақт алламаҳал бўлди. Қайнонам бегона жойда ухлай олмайдилар. Шу боис ҳам дугонамнинг: “Бугун бизникида қолиб, эрта билан кетарсизлар”, деганига қарамай, йўлга отландик.

— Беминнат машина ўзимизники бўлса, бир пасда “ғиз” этиб етиб оламиз, — деди қайнонам, менинг машинани ҳайдашимни бошқаларга кўз-кўзлагандек, бироз кекка кириб, маҳаллада тикувчилик цехи очди. “Ҳаракатда баракат”, деганлари рост

экан. Ишларимиз юришиб кетди. Югур-югурларим кўп бўлгани учун эрим билан келишиб, “Матиз” машинаси сотиб олдик. Ҳайдовчилик курсида ўқиб, машинани ўзим ҳайдай бошладим. Узоғим яқин, оғирим енгил бўлди. Бундан айниқса, қайнонам суюнди. Узоқ-яқиндаги қариндошларникида тўй-маъракалар бўлиб қолса, қайнона-келин эркакларга мўлтираб ўтирмаймиз. Аёлларнинг эса юриши кўп. Суннат тўй, бешик тўй, қиз ўтириш, хотин оши дегандек... Бормасанг бўлмайди.

Яқинда кўшни туманга келин бўлган дугонам қиз чиқар-

дай дала. Ана шу йўлнинг ўртасига келганимизда пакиллаган овоздан чўчиб тушдик. Машинани четга олиб тўхтатдим. Баллон ёрилиб кетибди. Аксига олиб, захира баллонни уйда қолдиривдим. Ярим кечаси уч аёл нима қилишимизни билмай, туриб бирорта уловнинг ўтиши ҳам амри-маҳол.

— Бизни кузатаётган хотинларнинг кўзи тегди, — деди қайнонам.

— Ёнди нима қиламиз, шу пайтда бирорта ёмон ниятнинг кўлига тушсак, аҳволимиз нима кечади? — деб ваҳима қила бошладим онам.

— Ҳозир уйга телефон қиламан, ўғлингиз бирор йўлини топар, — деб уларни тинчлантирдим.

Аммо бу жойларда алоқа яхши эмаслиги боис, кўл телефонимдан турмуш ўртоғимга кўнғироқ қила олмадим. Атроф зимистон. Бир соатча шу аҳволда нима қилишимизни билмай ўтирдик. Узоқдан машинанинг чироғи кўринди-ю, суюнганимдан дарҳол ташқарига чиқиб, кўл силқиб бошладим. “Матиз” машинаси олдимга келиб тўхтади. Машинадан икки киши тушди. Уларга вазиятни тушунтирдим. Қўшимча баллонни бор экан. “Уйингизгача етиб олгач, қайтариб бера-сизлар”, деди Ҳайдовчи. Рози бўлдим. Ишга киришиб кетишди. Шундан сўнг улардан бири менинг машинамга ўтирди. Иккинчиси ўз машинасини ҳайдаб, ортимиздан йўлга тушди.

— Барака топинг, болам, — деди онам. — Ҳозирги кунда бунақа химнат кўрсатиш ҳаманинг ҳам кўлидан келавермайди. Агар тўхтамай ўтиб кетганимизда эрталабгача нима қилишни билмай ўтирардик.

— Хола, яхшилик қилишда бу ерликлар ҳаммадан ўтиб тушади, — деб гап бошлади ҳалиги киши. — Мен асли самарқандликман. Исмиим Ҳами-



ОЛИСДАГИ ЯҚИНЛИК

1939 йил 19 август куни АҚШнинг Огайо штатидаги Пикуа шаҳрида эгизак болакайлар дунёга келади. Номалум вазиятларга кўра, уларни ота-онаси ташлаб кетишади. Гўдаклардан бирини Спрингерлар оиласи асраб олади ва Дейтон шаҳрига, уларига олиб кетади. Болага Жеймс дея исм қўйишади. Иккинчисини Льюислар оиласи асраб олади ва тасодифни қарангки, улар ҳам гўдакни Жеймс деб номлашади.

Жеймслар ниҳоятда ўхшаш эди. Улар нафақат генетик жиҳатдан, балки жисмоний ва руҳий жиҳатдан ҳам деярли бир хиллик касб этарди. Шунданми, бир-биридан айро яшашларига қарамасдан, уларнинг ҳаётлари ўхшаш тасодифларга тўла кечади. Масалан, ҳар иккисининг кўз очиб кўрган турмуш ўртоқларининг исмлари Линда эди. Ҳар иккисининг ҳам турмуши узоққа чўзилмай ажралишади. Иккинчи бор уйланишади. Бу гал ҳам бир хил, яъни Бетти исми аёлларга. Льюис хонадонидан улайган катта Жеймс биринчи фар-



зандига Жеймс Алан деб исм қўйган бўлса, Спрингер оиласидаги кичик Жеймс ўз фарзандига Алан Жеймс исмини беради. Жеймслар дам олиш учун Флоридага боришни ёқтиришарди. Эгизаклар парвариш қилган кучуқларнинг ҳам лақаби бир хил – Той эди. Хоҳ ишонинг-хоҳ ишонманг, ҳатто минадиган машиналарининг русуми ҳам бир хил, дастлаб иш



бошлаган жойлари ҳам бензаконка, сўнгра эса гамбургер ишлаб чиқариш компанияси... Бир хил таом ва бир хил ичимлик, бир хил хасталигу бир хил ташвишлар...

1979 йилга келиб, Жеймс Льюис ўз акасини қидиришга киришади. Ниҳоят, эгизаклар ўзларининг 39 ёшларида дийдор кўришадилар. Шу воқеадан сўнг олимлар атроф-муҳит билан муносабатларда ирсиятнинг генетик барқарорлигини тадқиқ қилишга киришадилар. Профессор Бушар олиб борган тадқиқот ишлари натижасига кўра ва мутаносибликлар мисолида ишонч билан айтиш мумкинки, жуда олис масофада турганда ҳам эгизакларнинг руҳий алоқалари сақланиб қолади.

Наргиза СИДДИКОВА
тайёрлади.

“Бахтли бўлинг” саҳифаси

МУРОСА ҚИЛОЛМАДИ

Онам дадам билан ажралишгач, мени деб, бошқа турмуш қурмаган. Она-бола бир-биримизга суяниб яшадик. Балогат ёшига етгач, бир йигитга кўнгилик қўйдим. 2005 йил ота-оналаримизнинг розилиги билан турмуш қурдик. Оилани бўлганимдан кейин онамнинг ёлғиз қолганини ўйлаб, қаттиқ ташвишлана бошладим. Бу ҳақда хўжайинимга тез-тез эслатардим. Охири, уни онам билан бирга яшашга кўндирдим. Аммо ичкүёв бўлиб яшаш оғир экан. Онамнинг кўнглига қарасам, хўжайиним хафа бўлади, унга кўпроқ эътибор берсам, онам аразлаб қолади. Илгари қайнонамга осон тутардим. Оилани бошқариш, келинлар билан тил топишиш жуда қийин эканини ана шундагина тушундим. Менга ортиқча меҳр кўрсатаман, деб, онам ўзи билмаган ҳолда, бизнинг орамызга совуқчилик тушириб қўйди. Оилани асраб қолиш учун кўп ҳаракат қилдим, аммо фойдаси бўлмади. Икки йил яшагандан сўнг қонуний равишда ажралишга мажбур бўлдик. Шундан сўнг университетга кириб ўқидим, олий маълумотли бўлдим. Ҳозир мактабда дарс бераман. **Ёшим 30 да.** 40 ёшгача бўлган, уйим-жойим дейдиган, ичкүёв бўлиб яшашга рози бўладиган эркак учраса, турмуш қурмоқчиман.

МУНИСА,
Самарқанд вилояти.

БИР ГИЛАМНИ ДЕБ...

Қизим Гулнозани кўшни қишлоқда яшовчи Отабек исми йигитга унаштириб, тўй ҳаракатларини бошлаб юбордик. Куёвнинг онаси: “Тўйни ихчам қилиб ўтказамиз, ортиқча дабдабага имконимиз етмайди”, дейишига қарамай, қизим учун қимматбаҳо кийим-кечаклар, мебеллар олишга киришдик. Келин-куёвга аталган хоналарнинг ҳар бирига хориж гиламларидан сотиб олдим. Тўйдан бир ҳафта олдин қайсингилларим бориб, уйни ясашиб келишди. Тўй куни келиннинг хонасига кирган аммаларнинг ҳам, менинг ҳам бирдан авзойимиз ўзгарди. Қизимга атаб олинган энг қимматбаҳо гиламни сотиб, ўрнига уникқангина эски бир палосни тўшаб қўйишибди. Тўй тугагунча ичимга чирок ёкса ёришмади. Бу ёқда қайсингилларим: “Акамни қарзга ботириб олган гиламингиз жойини топиб кетибди”, деб жанжал кўтаришди. Қизиконлик қилиб, тўй қизиган пайтда уйга кетиб қолдим. Менинг шошма-шошарлигим қизимнинг ҳаётига соя солди. Икки ойга етмай, у уйга қайтиб келди. Кейин билсам, тўйга уч кун қолганда куёвнинг сингилсини машина туртиб кетиб, шифохонага тушиб қолган, уни даволатиш учун пул тополмай, ҳалиги қимматбаҳо гиламни сотишга мажбур бўлишган экан. Тўй куни бошланган мижро ажралиш билан якун топди. Ҳатто неварам Озодбек туғилганидан сўнг ҳам келишмовчиликлар тугамади. Қизиконлик қилиб, ўз қизим ва неварамнинг бахтига зомин бўлганим учун афсусдаман. Энди бундай хатони такорлашмасликка, фарзандларимнинг ҳаётига аралашмасликка ҳаракат қиламан. Гулнозанинг **ёши 26 да.** Маълумоти ўрта. 30-35 ёшгача бўлган уй-жойи, касб-кори тайин инсон чиқса, уни узатиш ниётидаман.

ОМИНА опа,
Тошкент вилояти.

ЎГАЙ ОТА СИҒДИРМАДИ

Исмим Жамшид. **Ёшим 35 да.** Бундан олти ой илгари “Бахтли бўлинг” рукнига ҳужжатларимни топширган эдим.

— Жиззахдан эдингиз шекилли?

— Ҳа, аввал турли сабаблар туфайли уйланиб, ажрашган эдим. Ўғлимни онаси ўзи билан бирга олиб қолган. Турмушга чиққанидан сўнг ўғай отаси уни сиғдирмади ва боламини менга қайтариб берди. Жасурбекнинг ёши ҳозир олтида, она меҳрига муҳтож.

— Тошкент вилоятида яшовчи Гулсанам исми турмуши бузилган аёл бор. Тўрт яшар ўғилчаси бор. Шу аёлнинг телефон рақамини берамиз, гаплашиб кўринг.

— Раҳмат, насиб этса, хуш хабарлар айтиб қоларман, хайр!

АЛДАМЧИ ЁР АЛДОВЛАРИ

Бундан олти ой илгари Фарғона вилоятидаги бир сихаттоҳда навоийлик Машхура исми, турмуш ўртоғидан ажрашган аёл билан танишиб қолдим. Менинг ҳам бошимдан кўп оғир кунлар ўтган, аёлим қаза қилиб, болаларимни ўйлаб, икки йўл орасида овора юргандим. Шу орада Машхура билан анча синашта бўлиб қолдик ва ниҳоят, қайтар чоғим унга агар хўп деса, уйларига совчи юборишимни айтдим. У эса: “Яна бир-икки ойча сабр қилайлик, уйдагиларим билан гаплашайин-чи”, деди. Кейин у билан икки марта Самарқандда, уч-тўрт марта Тошкентда учрашдик. Бухорога ҳам биргаликда зиёратга бориб келдик. Бу ёқда ўғил-қизларим, яқинларим: «Нима бўлди, намунча елиб-югурмасангиз ўша аёлнинг ортидан» деб ҳайрон бўлишади. Охири Машхурага кўнгироқ қилиб, уйимдаги аҳволни тушунтириб, тезроқ уйланмасам, рўзгорим абгор бўлиб қолаётганини билдирдим. У эса пинагини ҳам бузмай, “Сиз ҳали менга тилла, бриллиант совгалар олиб бермасдан, дарров хўжайинлик ҳам қилмоқчисиз шекилли”, деб телефонни узиб қўйди. Негадир қаттиқ боғланиб қолган эканманми, кўнгилик узолмасдан, Навоий вилоятида яшайдиган танишлар орқали обдон суриштирдим. Билсам, у менга ўхшаган яна бир неча кўнгилик одамларни чув тушириб кетган экан. Шу-шу Машхурадан умид узиб, қизимнинг маслаҳати билан “Бахтли бўлинг” рукнига мурожаат этдим. **Ёшим 58 да.** Уй-жойим ўзимга етарли. Сариштали, болапарвар, 50 ёшгача бўлган аёллар бўлса, манзилим тахририятда.

ШОКИР ака,
Наманган вилояти.

ТАҚДИР ЎЙИНИ

Бундан уч йил илгари опам билан поччам пойтахтдан уй олиб, кўчиб кетишди. Кўп ўтмай, жияним Дилнавоз туғилди. Опам ўта қобилиятли бўлганлиги боис университетга грант асосида ўқишга қабул қилинди. Аммо қутилмаганда поччам инфарктнинг оғир формаси билан вафот этиб қолди. Эндигина 24 ёшга кирган опам бечора норасида чақалогини бағрига босганча йиғлаб қолаверди. Уйдагиларимиз уни ёлғизлатиб қўймаслик учун мени Тошкентга жўнатишди. Опам қўли гул чевар, пазанда бўлгани боис рўзгорнинг кам-кўстини ўзи тўлдиради. Яқинда мени ҳам унаштиришди. Янги йилдан сўнг тўйим бўлади ва Сурхондарёга қайтиб кетишимга тўғри келади. Икки яшар жиянимни яқинда боғчага берамиз. Кеча онам: “Билмасам, қизим, унга турмушга чиқиш ҳақида гапиришга ҳеч юрагим бетламаяпти, ўзиям сиқилиб кетди, энди нима қиламиз?” деб менга тап очди. Ҳозир опамнинг **ёши 26 да.** Касб-кори тайин, оилани қадрлайдиган бир инсон билан қариндошлик риштасини боғлашга тайёрмиз.


ШАҲЗОДА,
Сурхондарё вилояти.

ТАХРИРИЯТДАН:

«Бахтли бўлинг» рукнига хат йўллаётган ёки бевосита мурожаат қилаётган фуқаролар паспорт нусхаси ва яшаш жойидан (маҳалла кўмитасидан) маълумотнома тақдим этишлари шарт. Шунингдек, ажрашганлар бўлса, суд қарорининг нусхасини топширишлари талаб этилади.

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН:
(8-371)234-25-46

МЕҲР ФАРИШТАСИ



Барчиной акасининг уйига етиб келганида кун пешиндан оққан эди. Икки табақали, ранглари уникиб кетган кўйиш дарвоза қия очқ турарди. Қадрдон уйига энтиқиб кирди. Сув тўла челақ билан ҳовли томонга сал оқсоқлиб кетаётган янгасига кўзи тушди-ю, қалбини соғинч қамраб олди.

Эҳ, ҳаёт бунчалар бешафқат-а, кечагина нав-нихолдек, бўй-бастлари келишган янгаси анча кексайиб қолибди. Барчиной ўтган кунларни эслаб эзилди. Узини кимдир таъқиб қилаётгандек туюлдими ёки қадам товушлари қулоғига чалиндими, ҳар қалай Зебо опа орқасига ўғирилди. Ўзи томонга қараб турган қайнсинглисига кўзи тушди.

— Ассалому алайкум янгажон, — Барчинойнинг овози титраб чиқди.

— Вой, айлана кетай сиздек йўқловчимдан, — кўлидаги сув тўла пақирларни ерга қўйди янга. — Тушимга оғим раҳматли кирибди. Эрта билан акангизга бугун Барчиной келиб қолади дегандим. — Зебо опа қайнсинглисини баррига босганча гапирга кетди.

— Акам, жияларим яхши юришибдими, оёғингизни оғриги қолдими? — деди Барчиной кўнгли бўшаб.

— Худого шукр ҳаммамиз яхшимиз, қани, уйга кириш.

— Нега ҳеч ким кўринмаяпти? — уйга кираётиб сўради Барчиной.

— Ҳаммаси ишда, уй юмушлари, мол-ҳолга қараш акангиз иккимизга қолиб кетди, — деди Зебо опа хонтахта устига дастурхон ёзар экан. — Майли ишласа ҳам уларнинг бориға шукр. Шулар деб юрибмиз-да, бу ду-



неда. Акангиз ҳам ҳозир келиб қолади.

Барчиной янгасига зимдан тикилар экан, шу кичкина жуссали аёлнинг қалби меҳрга тўлалигини, чинакам садоқат соҳибаси эканлигини хаёлидан ўтказди.

...Ўшанда қиш эди. Онасини шифохонадан қайтариб келишди. Дар-

ди сира енгиллашмаётгани учунми, ё бу дунёдан умид учкунлари сўнаётганини сездими, Мамлакат ая келини Зебони ёнига чорлаб, шундай деди:

— Болам, мен сендан мингдан минг розиман. Сен ҳам рози бўл. Фақат ортимда қолаётган фарзандларимни сенга, сени эса Худого топширдим. Уларнинг кўз ёшини оқизма, ўз фарзандларингдек кўр!..

Орадан ҳафта ҳам ўтмади. Кўзининг оқу қораларини келинига омонат ташлаб, Мамлакат опа дунёдан ўтди. Барчиной 9-синфда, синглиси ва укаси ҳам куйи синфларда ўқирди. Онасидан айрилиб қолган уч болани Зебо ўз туққан фарзандларидек кипригида авайлаб ўстирди.

Орадан йиллар ўтди. Бировнинг омонат қолган фарзандларини бошқалардан кам қилмасдан, тарбиялаб, уйли-жойли қилгунча Зебо опанинг бошида бирортаям қора сочи қолмади. Лекин ҳар қанча қийалса-да, ҳеч кимга кўз ёшини кўрсатмади...

Ўша кунларни эсларкан, Барчиной, ҳамон бундан неча ўн йиллар аввал ҳам юз-кўзларидан нурдек табассум тўкилиб турғувчи келинойиси — меҳрмуруват фариштасига ич-ичидан раҳматлар айтди...

Дилфуза МИРОБИДОВА,
журналист.



СПОРТ...СПОРТ...СПОРТ...

ҲУСНИДДИН НОРБЕКОВ ПАРАОСИЁ ҲАМРАЙИНИ

Жанубий Кореянинг Инчئون шаҳрида ўтказилаётган ПараОсиё ўйинларида голиблик шоҳсупасига кўтарилган юртдошларимиз сафи яна биттага кўпайди.

Енгил атлетиканинг диск улоқтириш баҳсларида энг юкори кўрсаткични (53 м. 84 см.) қайд этган Хусниддин Норбеков ПараОсиё ўйинларининг олтин медалига сазовор бўлди.

Шу тариқа, Ўзбекистон спортчилари томонидан қўлга киритилган медаллар сони 17 тага етди. Ҳамюртларимиз айна дақиқаларга келиб 14 та олтин, 2 та кумуш ва 1 та бронза медалини қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида 41 давлат орасида 4-ўринни эгаллаб туришибди.

ХИДДИНКА

ЯНА БИР ИМКОНИАТ

Голландия қироллиги футбол уюшмаси терма жамоа бош мураббийи Гус Хиддинкни лавозимдан озод этмай, мутахассисга ўз хатоларини тузатиш ва натижаларини яхшилаш учун имконият берди, дея хабар беради De Telegraaf.

Ҳозирги вақтда Хиддинк ўрнига бошқа номзод топиш амри маҳол. Сабаби, барча мутахассислар қайси-бир клуб ёки термаларда фаолият олиб бормоқда. Шунингдек, улар ўз шартномаларини бузишни ҳам исташмайди.



Бундан ташқари, голландлар ноябрь ойида Мексика терма жамоасига қарши ўртоқлик учрашуви ва Евро-2016 саралаш доирасида Латвия термасига қарши баҳс олиб боради. Шундан сўнг терма жамоа тўрт ой давомида ўйинлар ўтказмайди.

Эслашиб ўтамиз. Хиддинк қўл остидаги Голландия терма жамоаси Евро-2016 саралаш баҳсларида Чехия (1:2) ва Исландияга (0:2) термаларига имкониятни бой берган бўлса, Қозоғистон термаси устидан 3:1 ҳисобида зафар кучиб, гуруҳ жадалининг учинчи погонасида бормоқда.

Интернет манбалари асосида
Илҳом ЖУМАНОВ тайёрлади.

КИМЛАР ИМЗОЛАШГА ВАКОЛАТЛИ ЭМАС?

Васиятномани васият қилувчининг ўрнига кимлар имзолаши мумкин эмас?

О.Нуримов.

Қонунда белгиланган баъзи шахслар васият қилувчининг ўрнига васиятномани имзолаши мумкин эмас. Жумладан, нотариус ёки васиятномани тасдиқловчи консул, васиятнома кимнинг фойдасига тузилган ёки кимга нисбатан васият мажбурияти юклатилган бўлса, ўша шахс, унинг эри (хотини), болалари, ота-онаси, неваралари ва чеваралари, шунингдек, васият қилувчининг қонун бўйича меросхўрлари, тўлиқ муомала лаёқатига эга бўлмаган фуқаролар, саводсиз бўлган шахслар ва васиятномани ўқий олмайдиган бошқа шахслар, ёлгон гувоҳлик берганлик учун муқаддам судланган шахслар.

Юқорида келтирилганлардан мустасно тарзда бошқалар васият қилувчининг ўрнига васиятнома имзолаши мумкин.

Рамзиддин НУРҚОСИМОВ,
Самарқанд шаҳар 13-сон ДНИ нотариуси.

ТОВАРНИНГ ЯРОҚЛИЛИК МУДДАТИ

Товарнинг хизмат муддати, яроқлилик муддати каби тушунчаларга изоҳ берсангиз. Ишлаб чиқарувчилар ёки уни сотувчилар товарнинг хавфсиз бўлишини қанча муддат мобайнида таъминлаши шарт?

Х.Раҳматалиев

Ўзбекистон Республикасининг "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуни-

нинг 1-моддасига мувофиқ:

"хизмат муддати" — товардан фойдаланишнинг белгиланган муддати бўлиб, у тамом бўлгач, товарнинг техник ҳолатидан қатъи назар, ундан фойдаланиш тўхтатилиши лозим;

яроқлилик (сақлаш) муддати — муайян давр бўлиб, бу даврда товар фойдаланишга яроқли бўлади ва у тамом бўлгач, товар одамлар ҳаёти ҳамда соғлиги учун хавф туғдириши мумкин".

ОҒЗАКИ ТУЗИЛИШИ ҲАМ МУМКИН

Битимлар ёзма шаклда эмас, ишонч асосида оғзаки тарзда тузилиши мумкинми? Бундай битим қонуний ҳисобланадими?

Н.Боймирозев.

Фуқаролик Кодексининг тегишли бандларига асосан битимлар оғзаки (оддий битим) шаклда ҳам тузилади. Хусусан, қонун ҳужжатларида ёки тарафларнинг келишувида ёзма шакл белгилаб қўйилмаган, шунингдек, у тузилаётган вақтнинг ўзидаёқ бажариладиган битим оғзаки тузилиши мумкин.

Бундан ташқари, ёзма шаклда тузилган шартномани бажаришга қаратилган битимлар (агар қонун ҳужжатлари ва шартномага зид бўлмаса) тарафларнинг келишувида мувофиқ, оғзаки тарзда тузилиши мумкин.

Битимни нотариал тасдиқлаш эса Фуқаролик кодексининг 107-моддаси талабларига мос келадиган ҳужжатда нотариус ёки бундай нотариал ҳаракатни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган бошқа мансабдор шахс томонидан тасдиқловчи устхат ёзиб қўйиш йўли билан амалга оширилади.

Куйидаги ҳолларда битимларни нотариал тасдиқлаш шарт:

- 1) қонунда кўрсатилган ҳолларда;
- 2) тарафлардан бирининг талаби бўйича.

Алишер НОРҚУЛОВ,
Самарқанд шаҳар 7-сон ДНИ нотариуси.

Мазкур Қонуннинг 12-моддаси 3-қисмига асосан, ишлаб чиқарувчи (ижрочи) товар (иш, хизмат)нинг хизмат муддати ёки яроқлилик муддати мобайнида, агар бундай муддат белгиланмаган бўлса, товар истеъмолчига сотилган (иш бажарилган) дан эътиборан ўн йил мобайнида унинг хавфсиз бўлишини таъминлаши шарт.

Саволга Андижон шаҳар Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти раиси М.КОДИРОВ жавоб берди.

Муассислар: Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш» ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди

Тахририятга келган қўлёзмалар муаллифларга қайтарилмайди. Реклама материаллари мазмунини учун тахририят жавобгар эмас.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Босмаҳонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти — 15:00. Босишга топширилди — 15:00.

E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz

ISSN 2010-7609



Баш муҳаррир:
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Навбатчи муҳаррир — Ҳамроҳон МУСУРМОНОВА
Саҳифаловчи — Илҳом ЖУМАНОВ
Мусахҳихлар — Саидгани САЙДАЛИМОВ,
Мадина АЛЛАБЕРГАНОВА

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент — 100000. Амир Темур кўчаси
1-тор кўча, 2-уй. Мўлжал: Олой бозори ёнида

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 1036. Формати А-3, ҳажми 2 табоқ. Адади — 5958. Баҳоси келишидан нарҳда.

ОБУНА ИНДЕКСИ — 176

Қабулхона: (тел-факс) 233-28-20
Котибият: 233-04-35, 234-76-08
Мухбирлар: 233-04-50
«Оила» бўлими: 234-25-46

Web-site: oila-va-jamiyat.uz

123.5